Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
14-iyul,
payshanba

№ 83
(3744)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## Мустақил тараққиёт йўлимизнинг теран таҳлили






**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди» ва «Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак маррани эгаллашга қодир» номли китоблари «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилди.**

Маълумки, давлатимиз раҳбари жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида шу йил 30 июн — 1 июл кунлари Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бўлиб, мазкур вилоятларнинг фаоллари, хотин-қизлар, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашиб, самимий суҳбатлашди.

Ушбу китоблардан ана шу суҳбатлар пайтида Юртбошимиз томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ўрин олган бўлиб, уларда нафақат Сурхон ва Қашқа воҳалари, балки бутун мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиёти, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталикни, обод ва фаровон ҳаётни янада мустаҳкамлаш ва қадрига етиш, олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни чуқурлаштириш, бунёдкорлик ишларини янги босқичга кўтариш, ёшларимизни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш каби ўта муҳим ва долзарб масалалар бўйича фикр юритилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақалари сингари Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам улкан ўзгаришлар рўй бергани мазкур китобларда алоҳида таъкидланади. Мустабид тузум даврида асосан пахта хомашёси етиштириш билан чекланган бу воҳаларда бугунги кунда замонавий технологиялар билан жиҳозланган йирик саноат корхоналари, коммуникация тармоқлари фаолият кўрсатаётгани, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиб, қишлоқ ва шаҳарлар қиёфаси тубдан ўзгариб, одамларнинг турмуш даражаси, онгу тафаккури, дахлдорлик ҳисси тобора ортиб бораётгани ва бундай ютуқлар замирида мужассам бўлган омиллар ҳақида теран фикр-мулоҳазалар баён қилинади.

Мазкур вилоятларнинг ўзига хос табиати, улкан иқтисодий ва инсоний салоҳияти, бетакрор қадрият ва анъаналари, Сурхондарё ва Қашқадарё заминининг мард ва олижаноб инсонлари тўғрисида Юртбошимиз катта меҳр ва ғурур туйғулари билан фикр юритади.

Ушбу китобларда тарихан қисқа муддатда Термиз, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб, мамлакатимизнинг энг йирик, жадал ривожланиб бораётган иқтисодий ва маданий марказларига айлангани аниқ мисоллар асосида таҳлил этилади.

Президентимизнинг китобларида мустақиллик йилларида халқимиз, Ватанимиз эришган барча ютуқ ва марраларда ҳамма ҳудудларимиз қатори Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари меҳнаткашларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги чуқур миннатдорлик билан эътироф этилади.

Ҳажман кичик, лекин мазмунан чуқур бу китобларни «Озодлик ҳавосидан тўйиб нафас олган халқ ўз йўлидан ҳеч қачон қайтмайди» деган ҳаётий ҳақиқат бош ғоя сифатида бирлаштириб туради.

Мухтасар айтганда, Президентимиз Ислом Каримовнинг мазкур рисолалари истиқлол йилларида мамлакатимиз қандай оғир ва мураккаб, шу билан бирга шарафли йўлни босиб ўтгани, мустақиллик ҳар бир вилоятимиз, шаҳримиз ва қишлоғимиз, ҳар бир юртдошимиз ҳаётида буюк ўзгаришларга асос ва замин бўлаётганини чуқур англашга хизмат қилади ва ана шу бебаҳо неъматни қадрлаб, уни ҳимоя қилиб яшашга даъват этади.

**ЎзА**







*«Ўзэкспомарказ»да I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси бўлиб ўтмоқда. Мазкур ярмарка давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 1 июндаги «Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ташкил этиш ва уни ҳар йили ўтказиб туриш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан мамлакатимиз Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси, «Ўзбекозиқовқатзахира» уюшмаси, «Ўзагроэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.*

## Мева-сабзавот ярмаркаси

### экспорт ҳажмининг ошишига хизмат қилади

Сайёрамизнинг қарийб 1 миллиард аҳолиси тўйиб овқатланмаётган ва бу борадаги муаммо тобора кескинлашиб бораётган бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш инсониятнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистоннинг озиқ-овқат мустақиллигини таъминлаш йўлида белгилаган стратегияси нақадар тўғри бўлганлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад хорижликларни Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида эришилаётган юксак самаралар билан яқиндан таништириш, мамлакатимизда етиштирилаётган экологик тоза мева-сабзавотлар, полиз экинлари ҳамда уларни қайта ишлаш орқали тайёрланаётган турли хилдаги маҳсулотларни намойиш этиш, соҳада мавжуд маҳаллий ва халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, янги шериклар топиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада оширишдан иборат.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўплаб мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунёдаги ўнта етакчи давлат қаторида туради. Бугун халқимиз эҳтиёжидан ортиқча 180 турдан зиёд мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар АҚШ, Бразилия, Вьетнам, Индонезия, Кипр, Македония, Малайзия, Мўғулистон, Норвегия, Россия, Саудия Арабистони, Словакия, Таиланд, Хитой, Япония каби саксондан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Маълумки, 2015 йилда мамлакатимиз БМТ нинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотига аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 давлатдан бири сифатида эътироф этилган эди.

Юртимизда йилига 17 миллион тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, уларнинг 4 миллион тоннадан зиёди экспорт қилинади. Ўтган йили юртимизда 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди.

Бултур қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Натижада, йил давомида нархларнинг ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконияти яратилди.

(2).

Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати

**Ниҳол парваришига қанчалар меҳр-муҳаббат билан ёндашилса, у шунчалар дуркун ва кўркам бўлиб ўсади. Фарзандлар соғлиғи ва тарбиясига бутун борлиғимизни тикиб, кеча-ю кундуз эътиборда бўлишимиз ҳам, аслида, шундан.**

## Ёз мароқли ўтмоқда

— «Энг яхши оромгоҳ» номинациясида бир неча бор ғолиб деб топилган дам олиш масканимизда соғломлаштириш мавсуми қизғин паллага кирди, — дейди Шаҳрисабзда жойлашган **Беруний номидаги оромгоҳ бошлиғи Лутфулла Каримов.** — Биринчи навбатда 610 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилди. Уларнинг аксарияти «Ўзгеобурғунефтгаз» акциядорлик компанияси таркибидаги корхона ва ташкилотларда ишлайдиган ходимлар фарзандларидир.

Оромгоҳда ҳар бир кун ўз мазмун-мундарижасига эга. «Ватанпарварлик тарбияси куни», «Ҳуқуқий тарғибот куни», «Иқтисодий билимлар куни», «Оила куни», «Экологик тарбия куни», «Сиёсий маданият ва ёшларнинг фаоллигини ошириш куни», «Соғлом турмуш маданияти куни» ташкил қилиниб, маълум мавзуларда баҳс-мунозаралар, давра суҳбатлари уюштирилаётир.

Ўғил-қизларнинг мактабда олган билимини мустаҳкамлаш мақсадида «Ўйла, изла, топ», «Заковат» интеллектуал танловлари ўтказиш анъана тусини олган. «Спорт соати»да волейбол, футбол, баскетбол, шахмат, шашка, сузиш, енгил атлетика тўгараклари доирасида турли мусобақалар ўтказилаётир. Инглиз тили, компютер, тикиш-бичиш, тасвирий санъат тўгараклари ишлаб турибди.

Шаҳрисабз туманидаги «Зиё чашмалари» оромгоҳида ҳам кўнгилдагидек шароит яратилган. Бу ерда айни пайтда Қашқа воҳаси педагоглари фарзандлари мириқиб ҳордиқ чиқармоқда.

**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғузор туман кенгаши раиси Эшпарда Ниёзов** шундай дейди:

— «Зиё чашмалари» нафақат болажонларга, балки бизга ҳам қадрдон гўша, чунки бу ерда ўзимиз яратган «Касаба уюшмалари боғи» бор. Беш йил бурун қадаган ниҳолларимиз, бугун ҳосилга кирди.

Ғузор тумани 3-умумтаълим мактаби ўқувчиси Шаҳзода Турсунованинг кайфияти аъло.

— Бу оромгоҳга биринчи марта келишим. Жуда чиройли маскан экан, — дейди у. — Тикувчилик, зардўзлик, инглиз тили, табиатшунослик тўгаракларидан ташқари бир нечта спорт турларидан машғулотлар ўтиляпти. Шунингдек, турли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Умуман, мириқиб дам олиб, тадбирларда фаол қатнашиб, билим ва тасаввурларим янада бойияпти.

Боланинг эмин-эркин вояга етиши юрт тинчлигидан, ёш авлодга берилаётган эътибордан, муҳими, миллатнинг эртаси порлоқлигидан далолат.

(4).




Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

## Ислоҳотларнинг улкан самаралари

**Истиқлол бизга ўз хоҳиш-иродамизни эркин ифода этиш, тинч ва осойишта ҳаёт кечириш имконини туҳфа этди. Ўтган тарихан қисқа давр ичида мамлакатимиз ҳаётида улкан ўзгаришлар юз берди, иқтисодий-сиёсий, маънавий, маърифий, бунёдкорлик соҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.**

Йирик корхоналарда ҳаётга татбиқ қилинаётган лойиҳалар натижасида янги иш ўринлари яратилиб, минглаб аҳолининг бандлиги таъминланмоқда. Айниқса, Юртбошимиз томонидан саноат корхоналари қувватини ошириш, мавжудларини модернизация қилиш йўналишида қабул қилинаётган муҳим фармон ва қарорлар ушбу тармоқнинг муттасил ривожланишини таминламоқда.

Бугунги кунда вилоятимиздаги йирик корхона — «Навоийазот» АЖ негизида қиймати 1,7 миллиард доллар бўлган 3 та инвестиция лойиҳаси устида амалий иш олиб борилмоқда. Жумладан, «Поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш комплексини қуриш», «Аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплексини қуриш», шунингдек, «Азот кислотаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш» лойиҳаларининг амалга оширилиши истиқболда янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш салмоғини ошириш билан бир қаторда, ҳудуд саноатини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

«Навоий иссиқлик электр станцияси» АЖнинг ҳам иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти беқиёс. Олдин умумий қуввати 1250 МВт бўлган корхонада модернизация ишлари амалга оширилиши натижасида айни пайтда унинг қуввати 1618 МВтни ташкил этаяпти. Дунёдаги энг илғор технология асосида буғ турбиналар янгилангани боис, сўнгги 2 йил давомида 700 млн. кубометрдан ортиқ табиий газ ёқилғиси иқтисод қилинди.

Бундан ташқари, корхонада лойиҳа қиймати 547,2 миллион долларлик, қуввати 450 МВт бўлган иккинчи буғ-газ қурилмасини қуриш бўйича ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Шунингдек, келгусида яна бир 450 МВт қувватга эга учинчи буғ-газ қурилмасини ишга тушириш борасида ҳам амалий ишлар бошлаб юборилди.

Вилоят саноати таркибида ишлаб чиқариш ҳажми бўйича қурилиш материаллари соҳаси иккинчи ўринни эгаллайди. Унинг асосини «Қизилқумцемент» АЖ корхонаси ташкил этиб, бу ерда йилига 3,4 миллион тоннадан ортиқ цемент ишлаб чиқарилмоқда.

Мустақиллик йилларида мазкур корхонада оловга чидамли материаллар, шифер, цемент қадоқлаш учун махсус полипропилен ва полиэтилен қоплари, оҳак, турли бетон плиталари ҳамда деворбоп блоклар билан бир қаторда, клинкернинг меъёрлаштирилган таркиби асосида ПЦ-400 Д0-Н, ПЦ-500 Д0-Н маркали цемент ишлаб чиқариш самарали йўлга қўйилди. Шу билан бирга, корхона томонидан 7-замонавий цемент тегирмони фойдаланишга топширилиб, қўшимча 350 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувватлари яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги фармонига асосан, Кармана тумани ҳудудида Ўзбекистонда биринчи — «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилди.

(2-3).

Ishonch 2016-yil 14-iyul, payshanba, № 83 (3744)



# Мева-сабзавот ярмаркаси

## экспорт ҳажмининг ошишига хизмат қилади

↖(1).

Ҳозирги кунда экин майдонлари оптималлаштирилиб, ҳосилдорликни оширишга эътибор қаратилмоқда. Янги боғ ва токзорлар барпо этилиб, уларга селекционер олимларимиз яратган ҳар бир ҳудуднинг иқлимига мос, қурғоқчиликка, касаллик ва зараркунандаларга чидамли кўчат навлари экилаётир. Сўнгги йилларда қарийб 100 минг гектарда мевали боғ ва токзорлар барпо этилди. Кейинги уч йилда 22 минг гектардан зиёд майдонда интенсив боғ ташкил қилинди. Уларни яратишда асосан тоғ ва тоғолди ҳудудлари, шунингдек, сув танқчил ерларда пайвандтагларга пакана илдиз-бўғиз қўйиш йўли билан етиштирилган кўчатлардан фойдаланиш технологияси кенг жорий этилмоқда. Бундай боғлар икки йилда ҳосилга кириб, олтинчи йили гектаридан 50-60 тоннагача мева бериши билан ажралиб туради.

Мамлакатимиздаги қулай сармоявий муҳит хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада кенгайтириш, барча соҳага замонавий технологияларни жалб этишда муҳим омил бўлаётир. Хусусан, мева-сабзавотчилик соҳасида замонавий талабларга жавоб берадиган, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўплаб корхоналар самарали фаолият юритмоқда.

— Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Ҳозирги кунда аҳоли томорқаларида ҳамда фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб олиб, сараланган маҳсулотларни қадоқлаб, чет давлатларга экспорт қилмоқдамиз, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги «Universal bo'ston» МЧЖ раҳбари Анвар Хўжаниёзов. — Жамиятимиз йилига 8-10 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспортга чиқараяпти. «Universal bo'ston» МЧЖ ўтган йили Россиянинг «Экспосервис» МЧЖ билан тузилган шартномага асосан 120 минг долларлик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилди. Жорий йил давомида жамият томонидан 340 минг долларлик қишлоқ хўжалик ва мева, сабзавот маҳсулотлари экспортини амалга оширди. Шунингдек, Россия Федерацияси ва МДҲ давлатлари билан шартномалар тузиб, фаолиятини янада кенгайтириш йўлида изланишлар олиб борилаётир. Ўйлайманки, I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси янги ҳамкорлар билан манфаатли шартномалар тузиш, корхонамиз экспорт ҳажмини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

— Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилгани ва яратилган қулай ишбилармонлик муҳити ҳар биримизни изланишга, ташаббускор бўлишга ундамоқда. «Қувасой узумзори» МЧЖ агрофирмаси ҳам ушбу имкониятлардан самарали фойдаланиб, Фарғона вилоятидаги барча фермер хўжаликлари билан ҳамкорликда иш олиб бораяпти, — дейди агрофирма раҳбари Одилбек Умматов. — Агрофирма томонидан жорий йил давомида 3,5 минг тонна хўраки навли узум ва 200 тонна майиз экспорт қилишни режалаштирганмиз. Бундан ташқари, 2,5 тонна мева, 3 минг тонна сабзавот, 200 тонна полиз, 100 тонна дуккакли, 500 тонна қуритилган мева-сабзавот экспорт қилиш кўзда тутилган.

Ярмаркада АҚШ, Буюк Британия, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Япония, Италия, Франция, Малайзия, Ҳиндистон, Россия, Латвия, Озарбайжон, Туркманистон, Эрон, Афғонистон, Қозоғистон каби қирқдан зиёд мамлакатдан кўплаб халқаро савдо ташкилотлари, савдо-саноат палаталари, қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган вазирлик ва идоралар, логистика компаниялари, мамлакатимизнинг мева-сабзавотчилик соҳасида иш юритувчи корхоналари иштирок этмоқда.

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
*Икром ҲАСАНОВ олган суратлар*



# Бу муқаддас Ватанда

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИ: Ислоҳотларнинг





↖(1).

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини йўлга қўйишдан кўзланган асосий мақсад жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга қаратилган.

Бугунги кунда ушбу ҳудудда 19 та корхона фаолияти самарали йўлга қўйилган бўлиб, улар томонидан 100 турдан ортиқ харидорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, 2015 — 2016 йилларда иқтисодий зонада яна 5 та лойиҳани амалга татбиқ этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилаяпти.

Айниқса, «Навоий» халқаро аэропортини янада ривожлантириш ҳисобига, Европа ва Осиё давлатлари ўртасидаги йўналишларда катта ҳажмдаги юклар ва йўловчи транзит рейслари қабул қилиш имконини берадиган Марказий Осиё ҳудудидаги ягона халқаро логистика маркази ташкил этилгани эътиборга сазовор.

Президентимизнинг қарорларига асосан мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллиги арафасида «Самарқанд-Бухоро» йўналишида, шунингдек, келгуси йилда ҳудудимизни Хоразм вилояти билан боғловчи «Навоий-Конимех-Мискин» йўналиши бўйича ҳаракатланувчи тезюрар поезд қатновининг йўлга қўйилиши бунга яққол мисол бўла олади.

Мамлакатимизда йўл қурилиши соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг самараси ҳам ҳар қадамда намоён. Бу эзгу ишлар вилоятимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ.

Вилоятимизнинг йўл инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида 2008 — 2015 йилларда халқаро ва давлат аҳамиятидаги 43,5 километр йўл қайта қурилди ҳамда 313,9 километр йўл мукаммал таъмирланди. Шунингдек, 2010 йилдан буён 26 миллиард 712 миллион сўм маблағ эвазига 488,7 километр ички йўлларда ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бундан ташқари, хўжаликлараро ички автомобил йўлларида, шаҳарлар, қишлоқ аҳоли пунктлари, туман марказлари ва шаҳар посёлкаларида 2015 — 2019 йилларда маҳаллий бюджетдан қарийб 30,5 миллиард сўм маблағ сарфланиши ҳисобига 227,4 километр ички йўлларни капитал ва жорий таъмирлаш кўзда тутилган.

Бугун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қаратилаётган эътибор, ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини тобора юксалиб боришига замин яратаяпти. Вилоятимизда 2000 йилларда кичик бизнеснинг ялпи маҳсулотдаги улуши 21,5 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилга келиб қарийб 2 баробарга ошди.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, Президентимиз раҳнамолигида 2009 йилдан буён қишлоқ жойларда бунёд этилаётган намунавий лойиҳа асосидаги тураржой бинолари кўркам манзара касб этиш билан бир қаторда, бугун қишлоқ аҳлининг шаҳардан кам бўлмаган шароитда ҳаёт кечиришини таъминлаётгани, халқимиз турмуш фаровонлиги юксалганининг асосий омили бўлмоқда.

Вилоятимизда ўтган даврда 58 та массивда худди шундай уйлардан 3482 тасининг бунёд этилгани мисолида ҳам бунинг исботини кўришимиз мумкин.

Эътиборлиси, жорий йилда намунавий лойиҳалар асосида 800 та уй-жой қуриш бўйича ишлар жадаллик билан олиб борилаётган бўлса, келгуси йилда яна 924 та худди шундай уй-жойлар қурилиши мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, вилоятимиздаги 6 та «Камолот» уйида 280 нафар ёш оила фаровон ҳаёт кечираётгани ёшларни қўллаб-қувватлаш баробарида, бунёдкорлик соҳасидаги ишларимизнинг нақадар салмоғи баланд эканлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ижтимоий соҳада олиб борилган улкан ислоҳотлар бугун халқимиз турмуш фаровонлигида, юрт равнақида ўзининг акс-садосини бераяпти.

Вилоятда сўнгги ўн йилда юксак архитектура намуналари асосида 350 тага яқин ижтимоий соҳа объекти, хусусан, 140 та мактаб реконструкция қилиниб, 16 та мактаб, 61 та болалар спорти объекти, 12 та мусиқа ва санъат мактаби янгидан қурилди ҳамда 40 дан ортиқ кўп қаватли аҳоли тураржой бинолари қад ростлади. Бундан ташқари, қарийб 60 миллиард сўм маблағ эвазига умумий майдони 19 гектарни ташкил этадиган Марказий Осиёда ягона — Навоий давлат кончилик институтининг 2000 ўринли янги биносининг қурилиб, истиқлол байрами арафасида фойдаланишга топширилиши давлатимиз томонидан ёш авлод таълим-тарбиясига қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Мустақиллик йилларида замонавий кўриниш касб этиб, янгидан қад ростлаган 47 та касб-ҳунар коллежи ҳам-

# Фаровон турмуш асоси

**Бугун мамлакатимиздаги улкан ўзгаришлару бунёдкорлик ишларини кўриб, ҳайратга тушмайдиган, шундай бетакрор юртнинг фуқароси эканлигидан кўксида ғурур туймайдиган инсон бўлмаса керак.**

Мамлакатимизнинг жаҳон майдонида эгаллаб турган мустаҳкам ўрни, юртимиздаги тинч ва осуда ҳаёт, бозорларимиздаги тўкин-сочинлик, истиқомат қилаётган кўркам уйларимизу яшаётган бахтиёр кунларимиз, хуллас, санаб адоғига етиб бўлмайдиган, шунинг баробарида ҳар бирининг қадри олтинга тенг ютуқларимизнинг барчаси мустақиллик туфайлидир.

Истиқлол йилларида инсон меҳнати ва манфаатларига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилувчи асосий жамоа ташкилотига айланди. Буни вилоятимиздаги 1262 та бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозирда уларга қамраб олинган 204 458 нафар ишчи-ходимнинг ҳар бири қай соҳа ёки тизимда меҳнат қилмасин, кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб келмоқда. Айниқса, ташкилот, корхона ва муассасаларда иш берувчи ҳамда ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнатга оид қонунчиликда белгилаб қўйилган талабларга риоя этилиши, шунингдек, жамоа шартномаларининг бажарилишини таъминлашда муҳим қадамлар ташланди.

Ортда қолган йиллар сарҳисобини қилар эканмиз, биргина жорий Соғлом она ва бола йилида амалга оширилаётган чора-тадбирлар кўламидан келиб чиққан ҳолда тасаввур қилишимиз мумкинки, бажарилган ишлар салмоғи чиндан-да эътирофга лойиқ.

Йил бошидан буён вилоятимизда меҳнат муҳофазасини таъминлаш, ходимларга муносиб иш шароитларини яратиб бериш, уларни турли касб касалликларидан ҳимоялаш, меҳнаткашлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спортнинг оммавий турларини ривожлантириш мақсадларида 200 дан ортиқ турли тадбирлар, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Ҳозирги кунда иш берувчилар билан ижтимоий шериклик намунали йўлга қўйилган бўлиб, корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда меҳнат билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда жамоа шартномаси тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Мавжуд юридик шахсларнинг 85,1 фоизи билан жамоа шартномалари қабул қилинган бўлиб, улар орқали ўрта ҳисобда бир ходимга сарфланган маблағ миқдори 2 миллион 300 минг сўмни ташкил этмоқда. Шунинг ўзиёқ меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялашда меҳнат келишувлари қанчалар аҳамиятга эга бўлиб бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Фаровон турмуш тарзининг биринчи шарти иш ўрни билан бевосита боғлиқ. Шу боис аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилоят бўлими бошқарувининг қўшма қарори билан тасдиқланган тадбирлар режасига мувофиқ маҳаллаларда сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил қилиш, ёш тадбиркорларга ўз бизнесларини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредит олишда кўмаклашиш борасида эътирофли натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг VII Қурултойида мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан ҳар бир туман,

*Вилоятда охирги ўн йил мобайнида 79 та соғлиқни сақлаш объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилган. Жорий йилда 7 та тиббиёт муассасасининг реконструкция қилиниши, 5 та касалхонада 340 ётоқ ўрни қўшимча ташкил этилиши ва 250 қатновли оилавий поликлиника фойдаланишга топширилиши режалаштирилган бўлиб, айни кунда бу борадаги ишлар жадаллик билан олиб борилаяпти.*

шаҳарда коллеж битирувчилари учун 25 тадан иш ўрни яратиш ташаббуси кўтариб чиқилди. Ушбу эзгу мақсад йўлида йилнинг ўтган муддатида вилоятимизнинг Қизилтепа туманида 24 та, Навбаҳор туманида 23 та, Хатирчи туманида 14 та, Кармана туманида 19 та, Нурота туманида 3 та, Учқудуқ туманида 3 та, Конимех туманида 6 та, Зарафшон шаҳрида 5 та, Навоий шаҳрида 6 тадан янги иш ўринлари яратилиб, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшилди.

Шунингдек, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури чора-тадбирлари асосида меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш, тузиладиган жамоа шартномалари ва келишувларида асосий диққат-эътиборни ходимларни, кўп болали, ёрдамга муҳтож оилаларни, ишловчи ногиронларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, уларнинг соғлигини муҳофаза қилишни кучайтириш бўйича муайян ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, вилоятдаги корхона ва ташкилотларда фаолият олиб бораётган 117 нафар ёш оналарни ижтимоий қўллаб-қувватлашга жами 15 миллион 733 минг сўм маблағ сарфланди.

2016 йилнинг 5 ойи давомида ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан вилоятимиздаги корхона, ташкилот ва муассасаларда хизмат қилаётган ишчи-ходимлардан 336 нафари, шундан 28 нафари бепул касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда ўз саломатликларини тиклаб олдилар.

Корхона ва ташкилотларда касаба уюшмаларига аъзолик афзалликлари бўйича олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 199 та хўжалик субъектларида меҳнат қилаётган 1607 нафар ходим касаба уюшмалари ҳимоясига олинди.

Мазкур хўжалик субъектларида жамоа шартномалари тузилишига кўмаклашилди, уларда ходимлар манфаатлари учун хизмат қиладиган бир қатор ижтимоий-иқтисодий имтиёзларнинг ўрин олиши, иш берувчи ва ходимларнинг вазифа ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилиши таъминланди.

Кўриниб турибдики, юртимизда касаба уюшма ташкилотларига қаратилган юксак эътибор замирида, албатта, Ватанимизнинг энг катта бойлиги бўлган меҳнаткаш ва олийжаноб халқимизнинг, ҳар тонгни элимиз равнақи йўлига ҳисса қўшишдек пок ниятда қаршилаётган фуқароларимизнинг саъй-ҳаракатларини қадрлаш, муносиб рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама ҳимоя қилишдек эзгу мақсадлар мужассамдир.

**Назира ТОҒАЕВА,**
**Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси**

# Мақсадимиз — ходимлар саломатлиги

**Жамият тараққий этиши, ҳар томонлама мустаҳкам шаклланиши учун, аввало, унинг фуқаролари маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом бўлмоғи зарур. Шу боисдан мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунларидан соғлиқни сақлаш тизимига катта эътибор қаратилди, фуқароларнинг саломатлигини яхшилаш борасида босқичли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг ижроси қаттиқ назоратга олинди.**

Шунинг баробарида, марказлардан олис ҳудудда жойлашган аҳоли пунктларида янги тиббиёт масканлари қурилиб, замонавий жиҳозлар, тиббий ускуналар билан таъминланди. Йирик корхона ва ташкилотлар, ишлаб чиқариш субъектларида ҳам меҳнаткашларнинг саломатлигига асосий вазифа сифатида қаралаётгани юртимизда ислоҳотлар инсон манфаатлари йўлида хизмат қилаётганидан далолатдир.

«Навоийазот» акционерлик жамияти мамлакатимиздаги энг йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Ҳозирда 10 минг нафардан ортиқ ишчи-ходимлар меҳнат қилаётган корхонада йилига 950 минг тонна аммиакли селитра ҳамда 70 дан ортиқ кимёвий хомашёлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхонамиз салоҳиятини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини яхшилашда тиббиёт ходимларимизнинг ҳам ҳиссаси салмоқли бўлаётир. Бир сўз билан айтганда, ходимлар соғлом ва тетик бўлган жойда иш самарадорлигига эришилишини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Айни пайтда замонавий тиббий ускуналар билан тўлиқ таъминланган шифо масканимизда 34 нафар малакали врач, 145 нафар ўрта тиббиёт ходими ишчи-хизматчилар соғлигини муҳофаза қилаётир. Йилнинг ўтган муддатида 2000 нафардан ортиқ ходим соғломлаштирилди. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда корхонамизда фаолият олиб бораётган ёш болали ва ҳомиладор аёлларни турли касб касалликларидан ҳимоялаш мақсадида мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказиб бораяпмиз.

**Телман ҲАСАНОВ,**
**«Навоийазот» АЖ тиббий-санитария қисми бош шифокор ўринбосари**

